

Руҳий тарбия (мрЗ)



05:00 / 09.03.2017 7205

Руҳий тарбия (мрЗ)

Бандаларини нафсларини поклашга чорлаган ва ахлоқларини сайқаллашга ундаган Ҳақ таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин!

Умнатларига нафсни поклашда ўрнатилган ва Роббиси «Албатта, сен улуғ хулқдасан» деб мадҳ этган Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога батамом ҳамда мукаммал саловоту саломлар бўлсин!

Маълумингизким, фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф

ҳазратлари муборак Рамазон кунларида «Руҳий тарбия» суҳбатлари олиб бордилар. Мазкур суҳбатларда «Руҳий тарбия» китобига оид мавзулар бўйича маърузалар тингланди. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган аудиотўпламга ушбу китобнинг «Покланиш» деб номланган биринчи жузига оид маърузалар киритилди.

Мазкур суҳбатларда мўмин-мусулмон бандага хос бўлиши лозим бўлган маълум мақомотларни рўёбга чиқариш, мусулмон шахсиятининг тикланиши ҳамда бу улуғ мақомга номуносиб бўлган сифатлардан покланиш ҳақида сўз юритилади.

Аллоҳ таоло мўмин-мусулмон бандаларининг нафсларини покласин, ҳулқларини гўзал тарбия қилсин, мазкур камтарона амалларимизни эса шу улуғ йўлдаги хайрли саъй-ҳаракатлардан қилсин, омин!

**Маълумот учун телефон
(+99871) 216-29-27**